

ўқитишнинг вазифалари (биология асосларининг элементар билимларини эгаллаш) ўртасида фарқлар бўлишига қарамай, мактабда биология ўқитиш методикаси ўқувчиларни илмий тадқиқот методикасининг бошлангич билимлари билан таништиради. Шу ўринда ўқувчиларда тадқиқий кузатувчанликни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Кузатишлар ўзининг бажарилиш муддатлари бўйича қисқа муддатли ва узоқ муддатли гуруҳларга бўлинади. Қисқа муддатли кузатишлар бутунлай дарё таркибига киритилади ва тарқатма материал билан бажарилади. Узоқ вақт муддатли кузатишлар асосан дарсдан ташқари вақтда бажарилади, аммо кузатишнинг бориши ва натижалари дарсда намойиш қилинади.

Ўқувчилар қисқа муддатли кузатишларни ўқитувчининг топшириғи билан экскурсияларда ўтказадилар (масалан, тупроқ кесмасини, табиатдаги мавсумий ўзгаришларни таърифлаш, муайян шароитларда ўсаётган ўсимликларни йиғиш ва бошқалар). Биологикбилимларни чуқур ўзлаштириш: тирик табиат бурчагида дарсдан ташқари вақтда бажариладиган узоқ муддатли кузатишлар (масалан, нўхат уруғидан майсанинг пайдо бўлиши, куртақдан новданинг ривожланиш ҳодисаси, олма гулидан меванинг ҳосил бўлиши ва шу каби ҳодисаларни аниқлаш) тадқиқий изланувчанликни шакллантиради ва ўқув-билув фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.


Хулоса қилиб айтганда, тадқиқий кузатиш - бу табиат жисмлари ва ҳодисаларини табиий шароитларда мақсадга йўналган ҳолда бевосита, шу ҳодисаларнинг боришига аралашмасдан сезгилар билан қабул қилиб олиш ёки лаборатория шароитида уни қайта тиклашдир. Тадқиқий кузатишда ўқувчиларнинг кузатиши амалий метод сифатидаги кузатишдан тубдан фарқ қилади ва чиқариладиган хулосалари мушоҳада характериға эга бўлади.

#### Адабиётлар

1. Ислон Каримов. Ўзбекистан конституцияси - биз учун демократии тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир. / Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. - Тошкент: Ўзбекистан, 2010.
2. Ислон Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. / Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан. - Тошкент, 2010 йил 27 январь.
3. К.Миртемиров. Ҳайвонлар дунёсида. - Тошкент: Зиё, 2005.
4. А.Шоқосимов. Ўсимликлар дунёсида. - Тошкент, 2003.

## ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ ЮЗАСИДАН ФАНЛАРАРО ДАРС ИШЛАНМАСИ 9-СИНФ УЧУН

### Н.ИСАҚУЛОВА - ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ 2-босқич докторанти

 анлараро экологик тарбия беришда куйидаги талабларни қўйиш мумкин:

1. фойдаланилган материаллар фанлараро экологик тарбиянинг мазмуни таълим жараёни талабларига мувофиқ бўлиши, экологик ҳодисалар моҳиятини очиб бериши.
2. Фанлараро экологик тарбия беришни имкони борича содда ва тугалланган матнда ифодаланган бўлиши.
3. Фанлараро экологик тарбия беришнинг ҳаққоний бўлиши.
4. Фанлараро экологик тарбия бериш асосида тузилган саволлар, топшириқлар, масала ва машқлар аниқ ва тушунарли бўлиши.
5. Фанлараро экологик тарбия бериш Давлат таълим стандартларида ўз мазмунини топган бўлиши.
6. Фанлараро экологик тарбиянинг мазмуни дастур ва ўқув режаларда ўз мазмунини топиши.
7. Дарсликлардан фанлараро экологик тарбиянинг мазмунида фойдаланиши.
8. Танланган экологик тарбиянинг мазмуни ўқувчилар учун таниш бўлган материаллар асосида бўлиши.

Куйида биз фанлараро экологик мазмундаги дарё ишланмасини тавсия этамиз. Мазкур дарё жараёнида

экологик тарбияни тиббий, ижтимоий, гуманитар ва аниқ фанлар туркумлари асосида «Биология», «География», «Кимё», «Физика», «Тарих», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари», «Она тили», «Адабиёт», «Математика» ва «Информатика» фанлари алоқадорлигида фан мавзулари таҳлилида ўзлаштирилади.

Мавзу: Экологик тарбия бериш юзасидан фанлараро дарё ишланмаси.

Мақсад:

а) *Таълимий мақсад*: фанлараро экологик мазмундаги мавзуларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

б) *Тарбиявий мақсад*: фанлараро экологик тарбия бериш.

в) *Ривожлантируечи мақсад*: табиатга нисбатан онгли муносабатни ўстириш.

г) *Мотивация мақсад*: ўқувчиларни фанлараро ўқув фаолиятга жалб этиш.

Жиҳоз: дарсликлар, А-1 бичимли оқ қоғоз, қайчи, елим, фламастер.

Услуб: кичик гуруҳларда босма материаллар билан ишлаш.

Дарсинг бориши:

1. Ташкилий цисм: Саломлашиш, навбатчи ахбороти, ўқувчиларни дарсга тайёрлаш.

II. Уй вазифасини сўраш ва баҳолаш: такрорлаш.

III. Янги мавзу: Экологик тарбия бериш юзасидан фанлараро дарё мавзуси.

Фанлараро экологик мазмундаги мавзулар 4 гуруҳ бўйича тахлил қилинади. Ҳар бир гуруҳ ўзига мос топшириқларни газета, журнал, фотоальбомлардан олишади. Ўқитувчи қуйидаги топшириқларни доскага ёзади:

1. Табиий фанларга оид материалларни топинг.
2. Гуманитар фанларга оид материалларни топинг.
3. Ижтимоий фанларга оид материалларни топинг.
4. Аниқ фанларга оид материалларни топинг.

Ҳар бир гуруҳ ўз муаммосига оид материалларни топади. Мақолапарни, матнларни, суратларни, мавзуларни қирқиб олади ва плакатга елимлайди, зарурий матнни шарҳлайди. Улар қуйидагилар:

Табиий фанларга оид материалларни топинг.

- Атмосфера қуйидаги сабаблар оқибатида ифлосланиб туради:

1) Табиий ифлосланиш

2) Саноат тармоқларида, транспорт воситалари ва иситиш тизимларида ёқилги ёнишидан чиққан газ, чанг, тугунлар.

3) Турли хилдаги чиқиндиларни ёкиб юбориш.

- Сув табиатда энг кўп тарқалган модда. Ер Юзининг 2/3 қисмини сув қоплаган. Табиатда содир бўладиган деярли барча жараёнларда сув иилорак этади. Гидросферадаги сув, бугланган сув, буг Холатидаги атмосферада учрайдиган сув жуда катта миқдорларни, аммо ичиш учун яроқли сув табиатдаги мавжуд сувнинг атиги 1 %га яқин қисмини ташкил этади. Олимларнинг ҳисоб-китобига Қараганда келажакда инсоният сув танқислигига учраши мумкин.

- Нисбий намлик дсб ҳаводаги сув буглари босими (р)нинг шу температурадаги тўйинган сув буглари босими (рт)га нисбати билан ўлчанадиган катталиқка айтилади:

$$U = p/rt = 100\%$$

Нисбий намлик нафақат об-ҳавога. балки инсон соғлигига ва кайфиятига таъсир қилади. Айнан бир хил температурада, турли намликда кайфият турлича бўлиши ва исиб(совиб) кетгандай бўлишига сабаб одам нафас олганда ва танаси орқали бугланганда совийди. Нисбий намлик кам бўлса, бугланиш тезроқ, катта бўлса, бугланиш секин боради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, нисбий намлик 40%дан 60%гача бўлган оралиқда киши кайфияти яхши ва соғлом бўлади.

- Атроф-муҳитнинг ифлосланишида табиий ва антропоген омиллар асосий роль ўйнайди. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши барча географик қобикларда кучайиб бормоқда.

- Экологик сиёсат - экология фани талаб ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда бизни ўраб турган табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштиришга, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни бойитишга қаратилган сиёсат мажмуасидир.

- Жонсиз табиатдаги жисм ташқи муҳит таъсирида ўзининг сифат кўрсаткичларини йўқотади. У ўзгаришларга учраб, яки сифат белгиларини ҳосил қилади. Жонсиз жисмларда ташқи муҳит билан ўзаро таъсирларнинг емирилишига олиб келса, аксинча

тирик организмлардаги оқсил тикланади, яъни тирикликнинг асосий омили ҳисобланади.

Гуманитар фанларга оид материаллар.

- «Индустриал цивилизация» атамаси ўрнида «индустриал жамият» атамаси ҳам ишлатилади. Индустриал цивилизациянинг белгиларидан бири - шаҳарларнинг жуда тез ўсиши бўлди. Бу, биринчидан, қишлоқ хўжалигида техникани қўллаш натижада бир қисм қишлоқ аҳолисининг ортиқча куч оўлиб, ишсиз қолиши, уларнинг иш излаб шах фларга келиши ҳисобига юз берди. Иккинчидан, кичик шаҳарларда майда савдогарлар ва хўғармандчилик ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, шунингдек, транспортдаги ўзгаришлар, темир йўл қурилиши, саноат марказларининг йирик шаҳарларга кўчиши ҳисобига бўлди.

-Урта Осиё ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши паст даражада бўлган бир шароитда аҳолига деҳқончиликда маҳсулдорликни оширишга ёрдам берган 2 та муҳим - табиий устунлик, яъни унумдор тупроқ ва қулай иқлим мавжуд эди.

- Юртимиз иқтисодиёти марказ учун хомашё етказиб беришга мўлжалланган эди. Хомашё эса тайёр маҳсулотга нисбатан бир неча баробар арзон. Хомашёни сув текинга етказиб бериб, ундан тайёрланган маҳсулотни бир неча баробар қимматиға сотиб олиш миллий иқтисодиётни янада заифлаштирар эди. Хомашёни етказиш учун республика табиатиға етказилган зарарлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Масалан, «пахта» учун қанча ерларни ўзлаштириб, Орол денгизи сувининг камайишиға олиб келинди.

- Ойбекнинг «Наъматак» шеърини тахлил қилиш.

Тоғлар хавосининг ферузасидан

Майин товланади бутун ниҳоли.

Яшил қояларнинг ажиб жилваси:

Юксақда рақс этар бир туп наъматак,

Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!...[-Б. 233]

- Об-ҳаво даракчиларида бош ва эргаш гапларни ажратинг:

- Чиннигул ўзидан ёқимли ҳид таратса, тез орада шамолни кутаверинг

- Мевали дарахтлар кўп ҳосил берса, қиш қаттиқ келади.

Ижтимоий фанларга оид материаллар.

- Табиатда тайёр ҳолда нон, кийим-кечак, уй-жой йўқ. Инсон эҳтиёжи учун керакли табиатда тайёр ҳолда учрамайдиган барча нарсаларни ўзи яратишга мажбур. У шу мақсадда табиат кўйида иқтисодиёт деб аталмиш улкан хўжаликни барпо этди. Эндиликда иқтисодиёт хўжалик юритиш тизими сифатида - инсоннинг яшаш ва камол топишининг бирдан бир воситасига айланган. Иқтисодиётнинг таркибий қисмларидан бири - бу табиатдир.

- Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурати Конституция (50-модда) ва «Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида акс эттирилган бўлиб, улар фуқаролар зиммасига қуйидаги бурчларни юклайди:

- табиий ресурслардан омилкорона фойдаланиш;
- табиат бойликларини асраб-авайлаш;
- табиат объектлари билан боғлиқ бўлган маданий меросни сақлаб қолиш

Бугунги кунда инсон ҳаёти учун табиатни йўқ қилиш, ҳаво, ер ва сувни ифлослантиришдан кўра қапа хавф-хатар йўқ. Табиатни қутқарар эканмиз, биз ўз-ўзимизни ҳалокатдан ҳалос этамиз.

Аниқ фанларга оид материаллар.

- Кундалик турмушда тенг шакллардан ташқари шакли бир хил, Пекин ўлчамлари турлича бўлган шаклларга дуч келамиз. Тарих ва география фанларида турли масштабда ишланган хариталардан фойдаланилган. Республикамининг синф доскасига илинадиган ва дарсликларда тасвирланган хариталар турли ўлчамда, лекин улар бир хил шаклда.

- Берилган шаклларни «Paint» график муҳаррири ёрдамида чизиш, дастурини ёзиш.

- Ўқувчи шифокор тавсиясига амал қилиб, биринчи

куни Қуёш нурида 3 минут тоблани, кейинги ҳар бир кунда тобланишни 3 минутдан ошириб бсрди. Агар у тобланишни чоршанба кунидан бошлаган бўлса, ҳафтанинг Шанба кунининг қуёшда тобланиши неча минутга тенг бўлади?

Ечиш: Чор.  $3+3=6$  Пай.  $6+3=9$  Жума  $9+3=12$  Шанба  $12+3=15$

Жавоб: Шанба кунининг қуёшда тобланиши 15 минутга тенг бўлади.

IV-Ўтилган мавзунинг мустаҳкамлаш: Гуруҳлар бир-бирига савол-жавоб ўтказишади.

Уйга вазифа: такрорлаш.

The article presents the course material for environmental education of pupils in grade 9.

## БАРКАМОА АВАОДНИ ШАКААНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Ш.А.КУШЕРБАЁВА - Низомий номилагии ТДПУ тадқиқотчиси

Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш мақсадида яратилган "Таълим тўғрисида" Қонунда, "Кадрлар тайёрлаш миллии дастури"да ўз аксини топган талаблар ёш авлодни баркамол, сотом ва ҳар томонлама ривожланган шахе сифатида тарбиялашдан иборат. Мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилган. XXI аср - интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигитва қизларини ҳар томонлама *баркамол шахслар* этиб шакллантириш борасидати кенг қўламли чора-тадбирлар комплксини амалга ошириш мақсадида ва 2010 йил "Баркамол авлод йи.пи" деб эълон қилиниши муносабати билан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини замонавий компьютер технологиялари билан ўзлаштирилиши, ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб ўсишида, спорт билан шуғулланишида ҳатто, қишлоқ жойларда спорт комплекслари, стадионларнинг қурилиши айнан фикримизнинг исботи бўла олади. Бунга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Шундай экан, ҳозирги кунда соғлом авлодни жисмонан ҳамда маънан шакллантиришда экологик таълим-тарбиянинг ҳам ўрни қапа. Экологик таълим беришдан мак,сад - ҳар бир кишига келажакда у қайси соҳада ишлашидэн қатъи назар, табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги билимларни беришдир. Экологик таълимни шакллантиришда табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан самарали фойдаланиш принципларини ўзлаштириш

биринчи даражали аҳамиятга ега.

Экологик таълимда дунёқарашни экологиялаштириш ҳам муҳим йўналишлардандир. Бунта эришининг муҳим воситаси инсонларнинг ўз устида ишлашлари, табиат сирларини ўрганишта ва экологик билимларини доимо ошириб боришга бўлган интилишларидир. Дунёқарашни экологиялаштириш экологияга дойр фанларни тўла ўзлаштириш билан бирга, иқтисодий, сиёсий, техникавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларнинг экологик муносабатларини билиш орқали амалга оширилади.

Экологик тарбия ва таълим жараёнларини бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Улар доим ўзаро алоқада ривожланади. Шахснинг табиатга бўлган инсоний муносабатлари оилада ва мактабларда бериладиган экологик тарбия орқали шаклланади. Оилада бериладиган экологик тарбия асосан ота- оналарнинг оиладаги ўзаро муносабатларига боғлиқ. Оилалар ва унинг ҳар бир аъзоси табиий муҳитни сақлаш масаласига ўзича ёндашадилар. Оилавий ҳаёт, ота- оналарнинг иш жойлари, уларнинг ўз фуқаролик бурчларини тўғри ҳис этишлари, оилада ўзларини тутишлари болаларнинг табиатга ва инсонларга бўлган муносабатларининг шаклланишида илк дебоча ҳисобланади. Болаларни оилада тарбиялашда ота- оналар тарбиячи ролини ўйнайдилар. А.С.Макаренко "Тарбия тўғрисида маърузалар" номли китобида шундай ёзади: "Сиз бола билан гаплашаётганингизда ёки унга бирор нарсани кўрсатаётганингизда унга тарбия берайпман, деб ўйламанг. Сиз унта ўз ҳаётингизнинг ҳар дақиқасида, ҳатто уйдэ йўқлигингизда ҳам таълим берасиз. Болаларни ҳақиқий муаллифлигингиз остида тарбиялайсиз".

Болаларга экологик тарбия беришда уларнинг кўз

